



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 7 февраль, № 27 (5957)

Жума

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ СОЧИДАГИ ОЛИМПИА УЙИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 7 февраль куни Сочи шаҳрида бўлиб ўтадиган XXII қишки Олимпия уйинларининг очилиш маросимида иштирок этади.

## ФАОЛЛАР ЙИГИЛИШИ

Тошкент вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда асосий эътибор Президентимизнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифалар ижросига қаратилди.

## Муҳим чора-тадбирлар белгиланди

Йиғилишда 2013 йилда худудда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, sanoatni rivojlan-tirish, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni qўллаб-қувватлаш, ishlab chikarishga istiqbolli modernizatsiya va mahalliy-lashtirish loyi-xalarini jadal tatbiq etish, aholi maskanlarining ijtimoiy infratuzilmasini yaxshilash bўyicha kўlamli ishlar amalga oshirilgani qayd etildi. Bu borada Prezidentimizning "2013 — 2015 йилларда Тошкент вилояти sanoat salohiyatini rivojlan-tirish chora-tadbirlari tўg'risida" gi xamda "2013 — 2015 йилларда Тошкент вилояти йўл-transport, muxandislik-kommunikatsiya va ijtimoiy infratuzilmasini rivojlan-tirish chora-tadbirlari tўg'risida" gi qarorlari dasturiamal vazifasini utamoqda. Xisobot davrida 2013 йилда viloyatda ylpi hududiy mahsulot 7,8 foiz, jumladan, sanoat mahsulotlari ishlab chikarish 11,6, kurilish ishlari 14,1, xizmatlar xajmi 15,4, chakana savdo aylanmasi 14,8 foiz ugani etirof etildi. Ayniksa, sanoat sohasida 188

loyixaning muvaffaqiyatli rўybg chikarilgani ylpi hududiy mahsulotda mazkur tarmokning ulushi 2012 йildagi nisbatan 8,1 foizga ortishida muhim omil b'ldi. Viloyat faollari hudud-da "Obod turmush iylil" Davlat dasturida belgilangan vazifalar ijrosiga aloxida etibor qaratdilar. Aytish joizki, dasturda k'zda tutilgan tadbirlarni amalga oshirish uchun barча man-balaridan 523,8 milliard sўm sarflandi. Shuningdek, utgan iylil viloyatda 87 mingdan ortiq yangi ish urni tashkil etildi, shundan 70 foizi qishloq joylarga t'gri kelди. Natijada mahalliy aholi, ayniksa, kasb-xunar ta'limi muassasalari bitiruvchilarining bandligi ta'minlandi. Yigili-shda erishilgan yu-tuqlar bilan bir qator-da, ayrim kamchilik va nuqsonlarga ham y'ul q'uyilaet-gani ta'kidlanib, ularni bartaraf etish yuzasidan tegishli chora-tadbirlar belgilandi. Faollar yigili-shida Ўzбекистон Respublikasi Boш vazirining birinchi y'urimbosari P. Azimov s'zga chikdi.

F. RAHMATULLAEV.

## ҚАРОР ВА ИЖРО

Президентимизнинг 2013 йил 20 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мuddatli xarбий xizmatga navbatdagi chaqiruvi xamda belgilangan xizmat muddatlarini utab bulgan xarбий xizmatчиларни Куролли Кучлар резервига б'шатиш t'g'risida" gi qaroriga muvofiq, shu kunlarda yurtimizdagi barча mudofaa ishlari boшqarmalari yig'in punkt-larida yig'ilarni muddatli xarбий xizmatga tantanali kutatish marosimlari b'lib utmoqda.

## Билимли, мард ва садоқатли ўғлонлар

тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчидир

Хусусан, белгиланган син-новлардан муvaffaqiyatli utib, askar bulishga munosi-b, deb topilgan Тошкент viloyatilik bir guruh eшlar хам куни кеча ўз бурчларини ado etish uchun xizmat joylariga м'ноб кетishi. Тошкент viloyati mudofaa ishlari boшqarmasi yig'in punktida shu munosabat bilan tashkil qilingan tadbir-da ish-tirok etgan Ўzбекистон Respublikasi Mudofaa vazirligi хузуридаги Жамoатчилик кенгаши аъзолари, "Махалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамгармаси, "Камолот" eшlar ижтимоий харақати viloyat кенгаши вакиллари, chaqiruluv-

chilarнинг ота-оналари йи-гитларга oқ y'ul tilashди. Zangiotalik Avazxon Saidorifx'ujave utgan iylil kasb-xunar kollejini tamomлади. Uқиш davomida чет tillarni, axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini mukammal y'rgandi. Shu bilan birga, sport bilan jiddiy shugullandi. Bu xarakatlari utkazilgan sin-ovlarda yuqori ball t'plashida juda asqotди. Uning maqsadi — muddatli xarбий xizmatni namunalil utab qaytish va ўzi orzu qilgan oliy ўкуv yurtida taxsilni davom ettirishi экан.

(Давоми 2-бетда).

## ЭЪТИРОФ

Ўзбекистоннинг 2013 йилдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти кўрсаткичлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари хорижий мамлакатлар академик ҳамда ижтимоий-сиёсий доиралари вакиллари томонидан атрофлича ўрганилмоқда. Австрия вакиллари "Жаҳон" ахборот агентлигининг мухбири билан бўлиб ўтган мулоқот чоғида бу борадаги фикр-мулохазаларини ўртоқлашди.

## «Ўзбекистон эришаётган ютуқлар алоҳида таҳсинга лойиқдир»

**Герхард Крамл, Вена техника университети профессори:** — Ўзбекистон намойиш этаётган макроиқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилганда, мамлакат белгилаб олган тараққиёт йўлининг тўғрилигига яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз. Прагматик ва мамлакат тараққиёти учун ҳар томонлама ёндашувнинг мавжудлиги боис бутун дунёда эътироф этилган "ўзбек модели" яна бир бор ўзининг самарадорлигини кўрсатмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамаздан, мамлакатда ялпи ички маҳсулот ўсиши-

нинг таъминлангани юксак баҳога сазовор.

**Вальтер Принц, Вена шаҳар парламентининг фахрий аъзоси:** — Бир неча йиллардан буён Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишини кузатиб келаман. Турли халқаро анжуманлар доирасида бир неча мартаба Тошкентга бориш имкониятига эга бўлдим. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlikни қўллаб-қувватлаш юзасидан олиб борилаётган оқилона сиёсат ушбу тармок корхоналари фаолиятининг самарадорлигини салмоқли даражада ошириш имконини берди.

Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш ва янгиларини ташкил этиш йўналишида ҳам Ўзбекистон раҳбарияти чуқур ўйланган ҳамда изчил сиёсатни ҳаётга татбиқ қилмоқда. "Ўзбек модели"нинг асосларидан бири ҳисобланадиган ижтимоий соҳа давлат сиёсатининг диққат-эътиборида қолаётгани ҳам аҳамиятлидир. 2014 йилнинг "Соғлом бола йили" деб эълон қилиниши бу фикрни тасдиқлайди.

**Рихард Натшлагер, "Аудатекс-Австрия" компанияси ижрочи директори:** — Мамлакатинг иқтисодиёти жадал тараққий топиб

бораётганини бугун юртингиз қўлга киритаётган марралар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Дунёнинг кўпгина мамлакатлари иқтисодиёти жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан сўнг энди тикланаётган бир пайтда Ўзбекистон

эришаётган бундай ютуқлар алоҳида таҳсинга лойиқдир. Биз Ўзбекистонлик мутахассислар билан суғурта соҳасида сермаҳсул ҳамкорлик қилиб келамиз. Ўзбекистон бозори МДХ маконида энг жадал ривожланаётган бозорлардан бири саналади. Мамлакатингиз улкан салоҳиятга эга.

Соғлом иқтисодий муҳит ва тараққиётнинг юқори кўрсаткичлари бундан кейин ҳам хорижий сармоядорлар эътиборини жалб қилишда давом этишига шубҳа йўқ.

«Жаҳон» АА. Вена

## Агросаноат:

# ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР, САЛМОҚЛИ НАТИЖАЛАР



Президентимиз мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида юртимизда изчил юқори ўсиш суръатлари билан бирга, ялпи ички маҳсулотимиз умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги

маҳсулотлари улушининг камайиш тенденцияси кузатилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Табиийки, бу иқтисодиётимизда амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришлар, хусусан, Ўзбекистон бир пайтлардаги аграр республикадан босқичма-босқич равишда sanoati rivojlangan zamonaviy davlatga aylаниб бораётганининг яққол тасдиғидир.

## ИСЛОХОТ

Буни Сирдарё viloyatida-gi кенг қўламли ўзгариш ва янгилаштирилган мисолида ҳам кўриш мумкин. Чунончи, олиб борилган изчил ислохотлар натижасида биргина utgan йилнинг ўзида худудда озик-

овқат йўналишида қиймати 12,9 миллион АҚШ долларилек 131 лойиҳа амалга оширилиб, 2,1 миллиард сўмлик озик-овқат маҳсулотлари тайёрланди. Эътиборлиси, бунда агросаноат тармоқлари-

нинг ҳам ҳиссаси катта бўлди. Сирдарё туманидаги "Inter milk" масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шундай ил-фор ишлаб чиқариш субъектларидан биридир. Бу ерда сут этиштириш баробарида, уни

қайта ишлаш, тайёр маҳсулотга айлантириш, қадоқлаш ва харидорларга етказиб бериш-гача бўлган барча жараён амалга ошириляпти.

(Давоми 2-бетда).

## хабарлар

■ Бугунги кунда "Cotton Road" қўшма корхонасининг хорижий давлатларда тўртта савдо уйи мавжуд. Бу эса Қарши шаҳрида фаолият юритаётган мазкур ишлаб чиқариш субъектининг якунланган йилда 2 миллион 588 минг АҚШ долларилек тайёр ва яримтайёр маҳсулотларни экспорт қилишида қўл келди.

## Корхонаниннг савдо уйлари

— Айни пайтда Латвия, Литва, Польша ҳамда Франция давлатларида ҳам савдо уйлари очил бўйича шартномалар имзоладик, — дейди қўшма корхона бош директори Равшан Бобонозов. — Шу орқали ташқи бозордаги ўрнимизни мустаҳкамлашга интиляпмиз. Дарвоқе, биз тайёрлаётган қишки кийимлар, кўйлак ва футболкалар чет элда анча харидоргир бўлиб борапти.

Эътиборлиси, 730 киши меҳнат қилаётган "Cotton Road" жамоаси utgan йили 17 миллиард сўмликдан ортик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ Шеробод туманилик Нодир Норбеков бунёд этган 50 сотихлик иссиқхонадан аънавийларига нисбатан ўн баробар ортик ҳосил олиш мумкин.

## Ўн баробар юқори

Эътиборли жиҳати, тadbirkorнинг ойнаванд даласи Жанубий Корея технологияси асосида жиҳозланган бўлиб, бу ерда экинларни озиклантириш жараёни компьютер ёрдамида амалга оширилади. Яна бир янгилик — махсул минераллар билан бойитилган тупроқ Эстониядан келтирилган. Бу ҳам ҳосил салмоғининг орттишига хизмат қилмоқда.

— Мажмуамизда йилнинг тўрт фаслида ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари этиштириш мумкин, — дейди мазкур "Шеробод грин фрутс" масъулияти чекланган жамияти иш бошқарувчиси Жуманазар Мирзаев. — Жорий йилда ҳам ана шу технология асосида яна 50 сотих майдонда иссиқхона бунёд этишни режалаштирганмиз.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ Айни пайтда Фаргона viloyatida пойабзал ишлаб чиқаришга иxtisoslashtirilgan 10 дан зиёд корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

## Муаммо ечимини топди

Яқин вақтларгача бу жамоалар хом ашёни мамлакатимизнинг бошқа худудлари ҳамда хориждан келтиришар эди.

Тошлоқ туманида "Менфен-ко" қўшма корхонаси ташкил этилиши билан мазкур муаммо ўз ечимини топди. Ҳозир бу ерда пойабзал учун муҳим ашё — чарм ишлаб чиқариляпти. Шу билан бирга, корхонада полиэтилен маҳсулотлар тайёрлаш ҳам ўзлаштирилди. Ана шу икки тармокқа асос солиниши билан корхонада 40 та иш ўрни вужудга келди.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўтган йил давомида мамлакатимизда

**26000**

дан зиёд кичик бизнес субъектлари иш бошлади.

Бизнес юритиш учун қулай шарт-шароит яратиш ва ишбилармонлар фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилаётгани, айнқса, тadbirkorlik субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили жорий этилгани соҳани жадал суръатларда ривожлантириш имконини берди.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

(Давоми 2-бетда).

# Билимли, мард ва садоқатли ўғлонлар

## тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчидир



Баҳром АБДУРАХИМОВ олган сурат.

«(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Авазхон катта ўғлимиз бўлгани учун, очиги, кузга бориб уйлантириш ниятимиз ҳам йўқ эмасди, — дейди қақирлиқнинг онаси Хилола Ғаниева. — Лекин у бундан аввал армияга бормоқчи эканлигини айтди. “Муддатли ҳарбий хизматдан сўнг ўқиб, яхши бир соҳанинг эгаси бўлай, уйланиш бўлса қочмас”, деди. Унинг орзуларидан қувониб, шундай ақли ўғлимиз борлигидан фахрландик.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳарбий хизмат йигитлар учун, том маънода, шон-шараф ишига айланди. Улғайиб, камолга етган ёшларимиз ўз хоши-иродалари билан аскар бўлишга интилишмоқда. Ўз навбатида, қақирув даврида муддатли ҳарбий хизматга энг муносибларни саралаб олиш, тиббий кўрик, синов ва имтиҳонларни юқори савияда ташкил этишга барча шарт-шароит яратилган. Қақирув комиссияларининг ишида ошкоралик

ва самарали жамоатчилик назорати таъминланган. Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида ўтган вақт мобайнида бир қатор қақирув ҳамда йиғин пунктлари реконструкция ва модернизация қилинган ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этаётди. Жумладан, Тошкент вилоятининг 18 та туман ва шаҳаридаги мудофаа ишлари бўлими ҳамда бошқармасида ана шундай модернизация тадбирлари бажарилди. Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида эса икки қаватли кўшимча бино фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Юқори Чирчик тумани мудофаа ишлари бўлими қақирув пункти янги бинога кўчиб ўтди. Буларнинг ҳаммаси қақирув сифатини янада оширишга катта туртки берди. — Оилада икки ўғлимиз, — дейди кибрайлик Элёр Мўминов. — Бундан тўрт йил аввал муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган акам ҳозир ҳарбий соҳада фаолиятини давом эттирмоқда. Унга ҳавасим келиб, армияга боришни ният қилдим, астойдил тайёргарлик кўрдим. Бугун орзуим ушалганидан жуда бахтиёрман. \*\*\* Сурхондарё вилоятида ҳам йиғитларни муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросими қизгин давом этмоқда. Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида ташкил қилинган шундай тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари ва-

киллари, ҳарбийлар, меҳнат фахрийлари ҳамда қақирилувчиларнинг ота-оналари катнашди. Таъкидланганидек, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини ошириш йўлида ҳаётга татбиқ этилган кенг кўламли ислохотлар самараси ўлароқ, Қуролли Кучларимизни ташкил қилиш ҳамда бошқаришнинг мутлақо янги тизими вужудга келди, унинг сафини тўлдириш такомиллаштирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, муддатли ҳарбий хизмат бир йил этиб белгиланди. Президентимизнинг 2008 йил 20 ноябрдаги “Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосан, фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йилига бир марта — февраль-март ойларида қақириб йўлга қўйилди. — Фуқаролар муддатли ҳарбий хизматга танлов асосида саралаб олинаётгани, қақирув комиссияларининг ишида ошкоралик ва самарали жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида улар таркибига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар кўмитаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Нуроний” жамағмаси вакиллари жалб қилингани ўзининг ижобий натижаларини

бермоқда, — дейди Сурхондарё вилояти мудофаа ишлари бошқармаси масъул ходими, майор Жавлон Исмоилов. — Сафда турган йиғитларга бир қаранг-а. Бўйлари баланд, қадди-қомати келишган. Бу ёшлар лицей ва коллежларда, замонавий шароитларда таълим-тарбия олишган. Шунинг учун ҳам ахборот, компьютер технологияларини, хорижий тилларни пухта билишади. Энг асосийси, улар ҳаёт ҳақида ўзларининг мустақил фикри ва қарашига, юксак ахлоқий-маънавий фазилатларга эга. Ўртимиздаги тинчлик ва осойишталикни таъминлашга ўз ҳиссасини қўшишга интилаётган мана шундай фарзандларимиз билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак, арзийди. — Жудаям ҳаяжонданам, — дейди ўғли Шаҳбоз Норқобиловнинг кузатишга келган Термиз шаҳрилик Олмагон Эшпўлатова. — Ҳар бир ота-она учун фарзанднинг камолга етиб, куч-қувватга тўлганини кўришдан ортиқроқ бахт, қувонч бўлмас керак дунёда. Армия ёшларни тарбиялашда ўзига хос мактаб бўлиб, уларни мустақил фикрлашга ўргатади, дунёқарашини кенгайтиради. Ванга дахлдорлик ҳис-туйғусини шакллантиради. Умуман, етук инсон бўлишида катта ёрдам беради. Бугун ўғлимнинг ҳарбий либос кийиб турганини кўрганимда, шулар ҳаёлимдан ўтди. Насиб қилса, Шаҳбоз муддатли ҳарбий хизматни тамомлаб, олий ўқув юртига ўқишга қиради ва келажада юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшадиган инсон бўлади. Тантанана йиғилганлар ана шундай эзгу ниятларга ила муддатли ҳарбий хизматга отланганларга муваффақият тилашди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**  
**Нормурод ТЕМИРОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

### «АКТ янгиликлари»

Ўзбекистон алоқа тарихи музейида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази расмий веб-сайтининг тақдимоти бўлиб ўтди.

### Марказнинг янги сайти

Мазкур сайт “UZINFOCOM” компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази томонидан ишлаб чиқилди. Унда инсон ҳуқуқлари ҳимоясига оид барча ҳуқуқий ва бошқа маълумотлар, шунингдек, бу борада хорижий тажрибалар ҳақидаги ахборотлар жамланган. Янги ахборот ресурси [www.insonhuquqlari.uz](http://www.insonhuquqlari.uz) ва [www.pravacheloveka.uz](http://www.pravacheloveka.uz) манзилларида жойлашган бўлиб, янги сайт барча замонавий имкониятларга эга. Шунингдек, унда ҳуқуқни ҳимоя қилувчи мутахассисларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан алоқа қилиши учун қулай шарт-шароит яратилган. Веб-сайтга материаллар ўзбек, рус ва инглиз тилларида жойлаштирилади. Унда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ томонидан чоп этиладиган журналлар ҳақида маълумот олиш, нашрлар каталоги ва тегишли адабиётлар билан ҳам танишиш мумкин. Бундан ташқари, фото, аудио ва видеоматериалли медиа-тека бўлими ҳам фаолият юритмоқда.

### Кўшимча қулайлик

Ягона интерактив давлат хизматлари портали ([my.gov.uz](http://my.gov.uz)) орқали юрtdошларимиз ўз ҳуқуқ ва манфаатлари бузилаётгани ҳамда уларни ҳал этишга етарлича эътибор берилмаётгани тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига бевосита мурожаат қилиш имконига эга бўлди.

Порталда йўлга қўйилган ушбу янги хизмат қўриб чиқиш муддатларини асосис чўзиш, кредитлар ёки ер участкаларини ажратиш тартибларини бузиш, текширишларнинг кўпайиб кетиши ва бошқа молиявий-ҳўжалик фаолиятига ноқонуний аралашилар, субъектив омилар ва тадбиркорлик фаолиятига ғов бўлувчи бюрократик тўсиқлар каби эҳтимолли муаммоларни ҳал этишга қаратилган. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш мақсадида ҳукумат раҳбарига ариза ва шикоятларни 8 (800) 200-18-18 телефон рақамига қўнғироқ қилган ҳолда юбориш ҳам мумкин.

### Модернизация қилинади

Пойтахтимизда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат органлари мутахассислари учун “АКТИ жорий қилишнинг муҳим йўналишлари ва давлат идоралари веб-сайтларини модернизация қилиш” мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Анжуманда давлат органлари веб-сайтлари фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2013 йилнинг 31 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этишга оид маърузалар тингланиб, тегишли масалалар юзасидан мутахассисларнинг билим ва кўникмалари оширилди. Тадбирда барча давлат идоралари веб-сайтлари жорий йилнинг 1 мартгача мазкур қарорда белгилаб берилган меъёр ҳамда талаблар асосида модернизация қилиниши лозимлиги қайд этилди. **Элбек ДОЛИМОВ.**

### Муҳандисларимиз ихтироси

Нефть ва газ саноатида фойдаланиладиган бургилаш ускуналарининг тормоз колодкалари ўта каттик, ишқаланиш ва иссиққа бардошли фриксион материалдан тайёрланади.

#### ИЗЛАНИШ

Андижон шаҳридаги “Саховат” масъулияти чекланган жамияти муҳандислари тормоз колодкаларининг сифатини янада оширишга имкон берадиган материал ихтиро қилдилар. Айтиш жоизки, хориждан келтирилувчи бундай колодкалар 25-30 компонентдан таркиб топган. Маҳаллий маҳсулотнинг асоси эса бирмунча содда, айни пайтда таннарфи арзон. Қувонарлиси, “Саховат”чилар юртимиз нефть-газ саноати корхоналарига импорт ўрнини босувчи 690 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бериш бўйича буюртмалар олдилар. Жамият раҳбари Акмалжон Комиловнинг билдиришича, бу ерда яқин орада автомобиллар учун мўлжалланган тормоз колодкаларини тайёрлаш ҳам ўзлаштирилади. **Саидахмад ШУКУРОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

### Қисқа сатрларда

● Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг 2013 йилги фаолияти яқунлари ва яқин истиқболдаги вазифалар муҳокама-сига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Европа Иттифоқининг “Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотларига кўмаклашиш” лойиҳасининг 2012 — 2013 йиллардаги ҳамкорлиги яқунлари ва 2014 йилги истиқболни белгилашга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир давомида соҳанинг етакчи олимлари ва мутахассислар ҳаммуаллифлигида яратилган “Инсон ҳуқуқларининг умумий назарияси” ўқув қўлланмаси тақдимоти бўлиб ўтди.

● Андижон туманидаги 7-умумтаълим мактабида вилоят халқ таълими бошқармаси ташаббуси билан мактаб, маҳалла ва ота-оналар ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган тадбир ташкил этилди. Унда иштирокчилар синфхоналарининг жиҳозланиши, спорт зали, ошхона, умуман, ўқувчилар учун яратилган шароит, фарзандларининг ўзлаштириш даражаси мониторинги билан яқиндан танишди.

● Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали ҳузуридаги академик лицейда чет тилларни ўқитиш тизимини янада такомиллаштиришга доир амалий семинар ўтказилди. Тадбир чет тили ўқитувчилари малакасини ошириш, илғор педагогик тажрибаларни оммалаштиришга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

● Самарқанд давлат чет тиллар институтида Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуф ҳаёти ва ижоди-га бағишланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди. Унда шоир ижодида Самарқанд, тарихимиз, улуг аждодларимиз мавзуси ҳақида сўз юритилди. Талабалар Мухаммад Юсуф шеърларидан намуналар ўқиди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

## Латвияда давра суҳбати

Мамлакатимизнинг Латвиядаги элчихонасида Ўзбекистон Президенти Исломо Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасининг асосий жиҳатларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

#### Дунё нигоҳи

Унда Латвия ва Литва парламентлари депутатлари, тегишли вазирликлар, ижтимоий-сиёсий, ишбилармон, академик, эксперт-таҳлил доиралари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашди. Тадбир иштирокчилари давлатимиз раҳбарининг ҳукумат мажлисидаги маърузасининг асосий жиҳатлари, мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳар томонлама тараққий топтиришнинг истиқ-

боллари билан атрофлича танишди. Давра суҳбатида ўтган йили Ўзбекистон ривожланишининг барқарор юқори суръатларини, макроиқтисодий мувозанат, модернизациялаш ҳамда иқтисодий диверсификациялашнинг таъминлаш йўлини изчил давом эттиргани алоҳида таъкидланди. Айтиш жоизки, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ижтимоий соҳани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, банк тизими, қишлоқ ҳўжалиги ҳамда қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар анжуман ишти-

## Агросаноат: ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР, САЛМОҚЛИ НАТИЖАЛАР



«(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу мақсадда озуқа етиштиришга мўлжалланган 772 гектар экин майдони ажратилиб, 8 гектарлик чорвачилик комплекси бунёд этилган. Мана шундай имкониятларга эга мажмуада иш юри-

тиш тамойиллари ҳам ўзига хос. Масалан, қорамоллар қарови тўлиқ автоматлаштирилган ҳолда бажарилади. Махсус генераторлар ёзда ҳавони мўътадиллаштириб беради. Бу, табиийки, Голландиядан келтирилган зотдор қорамолларнинг маҳал-

лий шароитга мослашишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Натижада кунлик сут миқдори қарийб 6 тоннани ташкил қилаяпти. Эътиборли жиҳати, соғиб олинган сут дарҳол мажмуанинг сутни қайта ишлаш цехига келтирилиб, ундан 12 турдаги тай-

ёр маҳсулот тайёрланаётди. — Ҳар куни 3-3,5 тонна сутни қайта ишлаш имкониятига эгамиз, — дейди цех технологи Раҳмонкул Аҳмедов. — Ҳадемай, бу миқдор янада ошади. Чунки шу кунларда пишлоқ тайёрлашни йўлга қўйиш ҳаракатидамиз. Цехда хориждан келтирилган илгор ускуналарни 8 нафар юқори малакали ишчи бошқармоқда. Сифатли маҳсулотлар вилоятда, пойтахтимиз ва қўшни ҳудудларда ҳам ўзининг доимий харидорларини топиб улгурди. Таъкидлаш керакики, “Интер милк” масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилаётган бу сазй-ҳаракатлар аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга қаратилган эзгу ташаббуслардан бири, холос. Бундан ташқари, вилоятда шу йўналишда яна бир неча истиқболли лойиҳалар рўёбга чиқарилаяпти. Демак, келгусида кўплаб янги иш ўринлари яратилади, аҳолига турли-туман, энг муҳими, ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тақдим этилади. **Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,** «Халқ сўзи» мухбири. **СУРАТЛАРДА:** корхона фаолиятдан лавҳалар. Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

# Соғлом фарзанд — оила қувончи

Хаётимиз йил сайин ўзгариб, турмушимиз тобора фаровон бўлиб бораёпти. Халқимиз ҳар жабҳада ҳавас қилса арзигулик ютуқларга эришмоқда. Юртимиз тинч. Одамларимиз бунёдкорлик ишлари билан банд. Фарзандларимизнинг ўқиши, дам олиши, бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун яратилган шарт-шароитларни кўриб, кўз қувонади. Уларнинг саломатлигини муҳофаза этиш йўлидаги ишларни айтмайсизми?!

## ДИЛ СЎЗИ

Президентимизнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасини тинглаб, ана шулар ҳақида ўйладим.

Давлатимиз раҳбари унда барча соҳалар қатори тиббиёт тизимидаги ислохотлар ҳақида ҳам атрофлича тўхталдилар. Аҳоли репродуктив саломатли-

гини мустаҳкамлаш, ёш авлодни ҳар томонлама соғлом вояга етказиш борасидаги долзарб юмушлар ҳақида фикр-мулоҳаза юритдилар. Шу мақсадда давлатимиз соҳа моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни изчил давом эттираётганини баён қилдилар. Дарҳақиқат, ҳукуматимиз соғлиқни сақлаш муассасаларини барпо этиш, уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашни устувор вазифалардан бири, деб

биялапти. Бунинг самараларини вилоятимиз мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Биргина 2013 йилда Бухородаги олти-та тиббий муассаса давлатимиз томонидан ажратилган салкам 15 миллиард сўм маблағ эвазига қайта қурилди. 20 та қишлоқ врачлик пункти, 8 та тез ёрдам шохобчаси таъмирланди. Республика шоси-линич тиббий ёрдам марказининг Бухоро филиали, туман шосилинич бўлимлари, вилоят болалар кўп тармоқли тибби-

яшовчиларни ҳам мунтазам тиббий-ижтимоий кўрикдан ўтказаяпмиз. Улардан ўз ёрдамимизни аямаяпмиз.

2014 йилнинг "Соғлом бола йили" деб эълон қилиниши биз, шифокорлар зиммасидаги масъулиятни янада оширди. Негаки, ўғил-қизларнинг соғлом вояга етишлари нафақат оиладаги муҳит, балки тиббий хизмат сифатига ҳам боғлиқ. Болаларимиз соғлом, жисмонан бақувват бўлиб ўсишса, соғлом фикрлашади. Соғлом авлод эса, Президентимиз алоҳида таъкидлаганларидек, юртимиз келажагидир. Биз шу эзгу мақсадлар рўёби йўлида ўз билим ва куч-гайратимизни аямаяпмиз.

**Мунаввар ИБРАГИМОВА,**  
«Соғлом авлод учун» халқро хайрия жамғармаси Бухоро вилояти минтақавий филиали тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси мудири,  
«Шухрат» медали соҳибаси.

## ЖАХЖ 24 СОАТ ИЧИДА

Ўтган йилнинг кетма-кет уч чорағида Португалияда ишсизлик даражаси пасайди.

## Вазият яхшиланмади

Масалан, октябрь — декабрь ойларида ушбу кўрсаткич 15,3 фоизни ташкил қилди. Аммо йил якунлари бўйича умумий натижа 16 фоиз бўлиб турибди, дейилади "Евро-ньюс" телеканали хабарида. Бу айтиш вақтда евроҳудуддаги ўртача ҳолатдан бир оз юқори ҳисобланади.

Вазиятни ўнлаш мақсадида расмий Лиссабон Европа Иттифоқи ва Халқро валюта жамғармасининг молиявий кўмагини олишга мажбур бўлди. Бунинг эвазига давлат идоралари ва хусусий секторда кўплаб иш ўринларини қисқартириш мажбурияти юклатилди. Мазкур сиёсат, охир-оқибат, мамлакатда бандлик муаммоси кескинлашишига олиб келди.

## Шартнома бекор бўлиши мумкин

Панама канални кенгайтириш лойиҳаси бекор бўлиши мумкин.

Чунки унинг маъмурияти ва Испаниянинг "Сауг" компанияси ўртасида келишмовчилик юзага келгани хабар қилинмоқда. Гап шундаки, жорий йил бошида буюртмачи пудратчи бажараётган хизматларни жуда қиммат деб баҳолаб, унга ҳақ тўлашни тўхтатиб қўйган.




Дунё бўйича сув йўли билан ташиладиган жами юкларнинг тўрт фоизи Панама канали орқали олиб ўтилади. Аммо кейинги йилларда у катта босимга дош бера олмаяпти. Шу боис 2009 йилдан эътиборан канални кенгайтириш ишларига киришилди. Агар бу иш амалга ошса, унинг имконияти икки баробар ортади.

## Йўлдаги фожиа

Непал пойтахтидан 320 километр шимол-ғарбдаги тоғли ҳудудлардан бирида автобус 500 метр баландликдан дарёга кулади.

"Associated Press" ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, ҳодиса оқибатида ўн тўрт нафар йўловчи ҳаётдан кўз юмди, етти киши тан жароҳати олди. Хуқуқ-тартибот идоралари вакиллари воқеа сабабларини ўрганишмоқда.



Бу февраль ойида Непалда содир бўлган иккинчи шундай йирик йўл транспорт ҳодисасидир. Аввалроқ автобуснинг қияликка кулаб кетиши натижасида ўн киши қурбон бўлиб, 47 киши жароҳатланган эди.

## Довул келтирган ноқулайликлар

Европанинг бир қатор давлатларида кузатилаётган кучли довул қатор ноқулайликларни келтириб чиқарди.

Хусусан, Франция ғарбдаги Бретань вилоятида ўн минглаб тураржой электр таъминотида узилиб қолди. Метеорологлар мамлакатнинг Атлантика океани соҳилларидаги яқин жойлашган тўққизта департаментда табиий офатнинг хавфлилик даражасини юқори, деб эълон қилишди. Ирландияда ҳам 20 мингдан ортиқ хонадонга электр энергияси етказиб берадиган линиялар ишдан чиққан. Жала туфайли айрим ҳудудларда тошқинлар юзага келган. Масалан, Корк, Уоксфорд ва Уотерфорд шаҳарлари кўчаларини сув босган.



Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

## Бошланғич бизнес сабоқлари

Тўрақўрғон шаҳридаги "Лола" касб-хунара ўргатиш маркази амалга ошираётган ижтимоий лойиҳалар қисқа муддатда ўз самарасини бераёпти.

### ИНТИЛИШ

Хусусан, Аҳси қишлоғилик опа-сингил Манзура ва Маъмура Турсунваллар бу ерда тикувчилик сир-асорларини ўрганди. Айни пайтда улар томонидан тайёрланаётган бежирим либосларнинг бор-зорда харидори кўп. Опасингилларнинг ҳамқишлоғи Фотима Аҳмедова эса ўз хонадонидан болалар кийимларини тикишни йўлга қўйди.

— Олий Мажлис ҳузуридagi Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-қувватлаш жамоат фонди гранти ёрдамида туман қишлоқларидаги 180 нафар аёл ва ёшларга чеварлик ҳамда пазандалик сирлари, шунингдек, бошланғич бизнес асосларини ўргатдик, — дейди марказ раҳбари Мавлуда Сиддиқова. — Айни пайтда уларнинг 46 нафари ўз бизнесини ташкил этиб, рўзғорига барака киритмоқда.

**Қудратилла НАЖМИДИНОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## POS-ТИЗИМЛАРИ АВТОМАТЛАШТИРИШ

**Micros**  
Ўзбекистондаги расмий ҳамкор

**ЖИҲОЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ:**

- савдо жойлари (магазинлар/супермаркетлар);
- бутик, ноозик-овқат маҳсулотлари савдоси;
- ресторанлар, кафе, барлар;
- фитнес-клублар, бильярдхоналар, боулинг ва бошқалар.

Моноблоклар, кассалар, штрих-код сканерлари, чеклар принтерлари, савдо тарозилари.

Дастурий таъминот: Atol, Microinvest, Айтида. Автоматлаштириш «калити билан».

• Кичик Бешёғоч к., 86 (олдинги шаҳар ДИХХБ биноси қаршисида), тел.: (+99871) 200-34-34, (кўш. 850, 858), факс: 281-43-65.

www.micros.uz;  
e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz

## «Тошкент труба заводи» ҚК

Ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотади.

(нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган).

**Сув ва газ ўтказувчи қувурлар** — ГОСТ 10705-80, Ø 15 — 114 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 250 000 сўмдан бошлаб.

**Газ ва нефть ўтказувчи қувурлар** — ГОСТ 20295-85, Ø 159 — 337 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 500 000 сўмдан бошлаб.

**Квадрат кесимидаги пўлат қувурлар** — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100, 150x150, 170x170.

**Тўғри бурчак кесимидаги пўлат қувурлар** — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120, 80x150, 60x125. Девор қалинлиги 1,0 — 4,0 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Бундан ташқари, қўшма қорхона «API-5L» стандарти бўйича ишлаб чиқарилаётган Ø 325 мм.дан Ø 1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм.гача бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурларни харидорларга тақлиф этади. Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**

## МҲЖ «KRANTAS» шартнома асосида ишлаб чиқаради ва сотади

**БЕНЗОВОЗ** «SUZU», «КамАЗ» шассисида

**АВТОЦИСТЕРНАЛАР-ВОДОВОЗ** «SUZU», «КамАЗ» шассисида

**ВАХТА УЧУН АВТОБУС** «КамАЗ» шассисида (6x6) 20-24 одамга

**СУВ СЕПАДИГАН МАШИНА** «SUZU», «КамАЗ» шассисида

(8-371) 262-63-45, т/ф 262-23-61, (+99890) 187-52-05, (+99890) 808-88-17. [www.ttemz-kran.uz](http://www.ttemz-kran.uz)

## ООО «CRANES & SPECIAL TRUCKS» ишлаб чиқаради ва сотади

**АВТОКРАНЛАР** юк кўтариши 16 т., 25 т., 32 т., 50 т.

**САМОСВАЛЛАР** «HOWO SINCTRUCK» шассисида, юк кўтариши 20 т., 25 т.

**КРАНМАНИПУЛЯТОРЛАР** «SUZU», «КамАЗ» шассисида, юк кўтариши 2,6 т., 5,3 т.

Телефонлар: (8-371) 262-63-45, тел./факс: 262-23-61, (+99890) 187-52-05, (+99890) 808-88-17. [www.ttemz-kran.uz](http://www.ttemz-kran.uz)

## Ижод ва эътироф

Ўзбекистон Бадий академияси Камолитдин Бехзод мемориал бoг-музейида "Гўзаллик яратишга интилиб" деб номланган альбомнинг тақдирот маросимини ташкил этди.

## ТАҚДИМОТ

Ўзига хос қомусий кўринишга эга ушбу альбомда бугунги кунда ўзбек тасвирий санъатига ўз хиссасини қўшиб келаётган рассомлар ижоди билан бир қаторда, Уста Мўмин, Абдулҳак Абдуллаев, Александр Волков, Лев Буре, Урол Тансиқбоев, Раҳим Аҳмедов, Чингиз Аҳмаров сингари устоз мусаввирларнинг ҳаёти ва ижодида оид муҳим маълумотлар жамланган.

Айни пайтда Бадий академия ташаббуси билан "Ўзбекистон тасвирий санъати" деб номланган альбом ҳам чоп этилмоқда.

Моҳира АДИЗОВА.

## 9 ФЕВРАЛЬ — АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

Навоийдаги зийраклик, ҳушёрлик каби фазилатлар барча замондошлари учун ибрат бўлгулик эди. Унинг энг юксак фазилатларидан бири адолат билан иш кўриши, доим ҳақиқат ва эзгулик учун курашиши эди. Айниқса, шoirнинг ободончилик, илм-фан ривожига борасида олиб борган ишларининг қиёси йўқ.

лари асарларини йўққа чиқарувчи ва мисли йўқ бармоқлари билан одам хунармандлари тасвирларини махв қилувчидир...

Ғарб олимлари Бехзодни Уйғонши даврининг буюк санъаткорларидан бири Рафаэлга тенг-

## Истеъдодлар ҳомийси

Алишер Навоий китобни жуда қадрлаган. Буни унинг Хиротда солдирган "Унсия" биноси мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бу бинода Навоий ўзи яшаган ҳамда мукамал кутубхона барпо эттирган. Ундан барча илм ва санъат аҳли фойдаланарди. Мирхонд ва Хондамир каби тарихчилар ўз асарларини шу кутубхонада ёзганлар.

Энг муҳими, Алишер Навоий кўплаб истеъдодли ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратди. Машҳур тарихчи Хондамир, хаттот Султон Али, мусаввир Бехзод ва бошқалар Алишер Навоий ҳомийлигида камолга етдилар.

Зайниддин Восифий "Бадое ул-вақо" асариде: "Султон Хусайн кўнглихушлиги учун сеҳрофарин мусаввирлар ва услуби гўзал наққошларни аъло даражада пойтахтида сақлаб, уларга зўр илтифот кўргузди", деб ёзади. Улар орасида Шох Музаффар, Қосим Али, Мавлоно Ҳаким Му-

ҳаммад каби истеъдодли мусаввирлар бўлган.

Бехзоднинг Саъдийнинг "Бўстон" асарига ишлаган миниатюраси, Низомий Ганжавийнинг "Ҳамса"сидаги "Лайли ва Мажнун", Хисрав Дехлавийнинг "Мажнун ва Лайли" асарларига ишланган миниатюралари унинг ниҳоятда моҳир мусаввир эканлигидан далолат беради. Бу асарлар ниҳоятда мукамал, нафис ва нозик, ранглири ёрқин, жозибдор, композицияси мураккаб ва эркин, манзара ишонарли ҳамда таъсирчан.

Ўз замонаси ва ундан кейинги даврларда яшаган тарихчи, шоир, мусаввир ҳамда бошқа санъат муҳлисари Бехзод ижодига катта баҳо берганлар. Тарихчи Хондамир "Ҳабиб ус-сияр" асариде бундай деб ёзган: "Камолитдин Бехзод ажойиб ва ғаройиб суратларни зоҳир қилувчи, хунар нодирликларини бунёд этувчи, Моний каби сурат чизувчи, мўйқаламли, олам мусаввир-

лаштирадилар. Бу бежиз эмас, албатта. Боиси, Бехзод асарлари, яъни унинг мўйқалам билан яратилган миниатюралари жаҳоннинг буюк рассомлари асарлари билан бир қаторда туради. Зеро, кўп кишилик саҳна манзараларининг ниҳоятда ёрқинлиги, ҳаракатчанлик, жўшқинлиги билан Бехзод ижоди Европадаги манаман деган буюк рассомларнинг ижодий аъналарига ҳамоҳангдир. Албатта, бунда, шубҳасиз, Алишер Навоийнинг хизматлари жуда катта. Агар Навоий ҳазратларининг эътибори бу ўсмирга тушмаганда, балки у жаҳонга машҳур Бехзод бўлмасмиди?

Алишер Навоий умрининг охиригача сермахсул ижод қилиш билан бирга, қатор мадраса, кутубхона, шифохона, ҳаммом ва шунга ўхшаш бинолар солдирди. Кўплаб ободончилик ишларига бош-қош бўлди. Олимлар, шоирлар, тарихчи ва мусаввирларни катта-катта асарлар яратишга даъват этди, уларга ҳар томон-



лама ёрдам берди. Ўзи ҳам бу борада алоҳида ибрат кўрсатди. Шунинг учун ҳам Бобур Мирзо ўзининг "Бобурнома" асариде: "Аҳли фазл ва аҳли хунарга Алишербекча мураббий ва муҳаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлиши бўлмай", деб ёзган эди.

Хуллас, буюк мутафаккир, серқирра истеъдод соҳиби Навоийнинг юксак фазилатлари биз учун бугунги кунда ҳам барча соҳада ҳаёт мактаби бўлиб хизмат қилиши, ўлмас, бетакрор асарлари эса озод ва обод Ватанимизда ноёб истеъдод соҳибларини тарбиялашда муҳим омил вазифасини ўташи, шубҳасиз.

Салима МИРЗАЕВА,  
Андижон давлат университети профессори.

## Спорт

Хабарингиз бор, ўтган йили футбол бўйича мамлакатимиз олий лигасида совринли ўринларни эгаллаган "Бунёдкор", "Локомотив" ҳамда "Насаф" жамоалари тез орада бошланадиган Осиё чемпионлар лигасида юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

## Футбол баҳори яқин

Мақкур клублар айни пайтда тайёргарликни юқори суръатда олиб бориш мақсадида хорижа сафар уюштириб, бир қатор ўртоқлик ўйинларини ўтказишди. Хусусан, дастлабки йигинини Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида ташкил этган "Бунёдкор" жамоаси Россия премьер лигаси вакиллари — "Динамо" ва "Урал" жамоалари билан дуранг ўйнади, Москванинг "Спартак" клубига қарши кечган беллашувда 1:2 ҳисобида мағлубиятга учради.

Чемпионатнинг кумуш медали соҳиби "Локомотив" ҳам Дубай шаҳрида 4 та ўртоқлик баҳсида куч-си-

нашиб, иккитадан галаба ва мағлубият қайд этди. "Темир йўлчилар" Қозоғистоннинг "Қайрат" ҳамда Россиянинг "Урал" жамоаларини енгишган бўлса, Украинанинг энг кучли клуби — Донецкнинг "Шахтёр" ва Хитой вакили "Бейжинг Гуоан"га кичик ҳисобларда ютқазиб қўйдилар. Назорат-синов ўйинлари доирасида Қаршининг "Насаф" клуби ҳам тўрт учрашув ўтказиб, унинг 3 тасида галаба қозонди ва бир ўйинда имкониятни бой берди. Шу кунларда Рўзиқул Бердиев шоғирдлари Қатар пойтахти Доха шаҳрида бўлажак ўйинга тайёргарлик кўришяпти.

Осиё қитъасининг нуфузли мусобақиси — Чемпионлар лигаси Ўзбекистон вакиллари учун бу сафар "1+2" квотасини тақдим этгани туфайли чемпионат голиби ҳамда кубоги соҳиби "Бунёдкор" баҳсларни гуруҳ учрашувларидан бошлади. "Локомотив" ва "Насаф" жамоалари эса уч босқичдан иборат саралаш беллашувлари орқали гуруҳ йўланмасини кўлга киритиш учун майдонга чиқишади. Дастлабки босқичдан озод қилинган вакилларимиз 8 февраль кuni иккинчи босқичдан саралаш баҳсларига киришадилар. Шу кuni "Насаф" сафарда Қатарнинг "Ал-Жайш" клубига қарши тўп суради. Мақкур жамоа сафида бир қатор легионерлар, жумладан, Бразилия, Франция, Тунис, Жанубий Кореядан футболчилар борлигини инобатга олсак, мамлакатимиз бронза медали соҳибига осон бўлмаслиги аниқ. "Локомотив" эса Кувайтнинг кўп қара чемпиони "Кувейт СК" жамоасини Тошкентдаги "Пахтакор" стадионида қабул қилади.

Суннатилла ИСЛОМОВ тайёрлади.

## Ёш полвонимиз маҳорати

АҚШнинг Колорадо Спрингс шаҳрида эркин ва юнорум кураши бўйича халқаро турнир ташкил этилди.

Мақкур нуфузли мусобақада ҳамюртимиз Бехзод Абдураҳмонов ҳам муваффақиятли қатнашди. Истеъдодли ёш полвонимиз 70 килограмм вазн тоифасида финалгача бўлган баҳсларни галаба билан якунлаб, кумуш медални кўлга киритди.

## Мағлубиятсиз дона суришмоқда

"Moscow Open — 2014" халқаро шахмат фестивалида вакилларимиз мағлубиятсиз дона суришмоқда.

Хусусан, мусобақанинг талаба-гроссмейстерлар ўртасидаги беллашувларида иштирок этаётган Нафиса Мўминова тўртинчи турда грузиялик Мери Арабидзе билан дуранг ўйнади. Шу тарихида у тўрт имкониятдан 3,5 очко жамғариб, пешкадамлик қилмоқда. Нафиса навбатдаги баҳсни мезбон шахматчи Мария Северинага қарши ўтказди.

Халқаро турнирда ўз имкониятини синая кўраётган яна бир спортчимиз Вилдан Галимов кетма-кет учта партияда галабага эришганди. Тўртинчи турда эса Россиялик Арсен Огонян билан мурося кўчасини танлади.

Мамлакатимиз чемпиони Роман Голубев ҳам бу турда мезбон шахматчи Ажур Аршаевга қарши дона суриб, дуранг натижа қайд этди.

Фазилитдин АБИЛОВ тайёрлади.

## Реклама ва эълонлар

**Хурматли юртдошлар!**

**«Асака» банки (ОАЖ)**

қуйидаги муддатли омонат турларини тақлиф этади.

**Миллий валютада:**

«МУСТАҲҚАМ ОИЛА»  
Сақланиш муддати — 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«ФАРОВОН ТУРМУШ»  
Сақланиш муддати — 12 ва 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**Хорижий валютада:**

«ШОДИЕНА» (АҚШ долларларида)  
Сақланиш муддати — 2 йил бўлиб, ҳисобланган фоизлар 1 йил ўтганидан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (еврода)  
Сақланиш муддати — 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шунингдек, «Асака» банкида 80 дан ортиқ омонат турлари жорий этилган бўлиб, бу ҳақдаги маълумотларни банк филиалларидан ёки банкининг [www.asakabank.com](http://www.asakabank.com) расмий веб-сайтдан олиш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилояти филиали	369	226-94-75
«Автотранспорт» филиали	371	120-39-95	Навоий вилояти филиали	436	223-54-32
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-78
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилояти филиали	365	223-71-94
Сергели филиали	371	258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилояти филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилояти филиали	366	231-08-86
Андижон вилояти филиали	374	224-40-96	«Афросиёб» филиали	366	221-77-56
Асака филиали	374	233-13-69	Қашқадарё вилояти филиали	375	221-12-93
«Фарход» филиали	374	226-97-53	Сурхондарё вилояти филиали	376	770-82-12
Фарғона вилояти филиали	373	224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-12-37	Хоразм вилояти филиали	362	226-97-78
Олтиариқ филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилояти филиали	367	225-44-03
Кўқон филиали	373	552-61-04	Жиззах вилояти филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

**Сизнинг омонатларингиз:**

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

**«Асака» банк — сармоянгни сизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!**

Хизматлар лицензияланган.

**«SN INVEST» КОМПАНИЯСИ**

қуйидагиларни етказиб беради:

- гўзапола ўрайдиган комбайн
- ўт ўрайдиган комбайн
- макка ўрайдиган комбайн
- жўҳори йиғувчи комбайн
- КИР 1,5 ўт майдалаш мосламаси
- пресслайдиган мослама
- сомон йиғувчи мосламалар
- тракторлар
- бог ва ферма учун тракторлар
- занжирилли тракторлар
- картошка терайдиган комбайн
- картошка экайдиган комбайн
- бугдой экайдиган саялка
- дори сепайдиган мосламалар
- сачратиб сугорувчи мосламалар
- ем майдалаб таркатувчи техника
- культиваторлар
- плуг, айланма плуг,
- дискилли плуг
- юкловчи экскаватор, бульдозер

Тел.: (+99871) 150-58-58, 150-69-69. [www.sninvest.uz](http://www.sninvest.uz) E-mail: [info@sninvest.uz](mailto:info@sninvest.uz)

**Республика аҳолиси диққатига!**

**«JUN LONG INDUSTRIAL»**

масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий ишлаб чиқариш корхонаси

табиий Ангрэн кўмир кукунидан тайёрланган кам аралашмалли ва сифатли, юқори иситиш қувватига эга, махсус технология асосида корхонада ишлаб чиқарилган

**кўмир брикетларини ҳамда сув билан иситиш печларини тақлиф қилади.**

Тўловлар келишилган шаклда амалга оширилади. МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Манзилимиз: Тошкент вилояти, «Ангрэн» махсус индустриал зонаси. Мурожаат учун телефонлар: (8 370) 662-25-25, (+99871) 255-64-60, факс: (+99871) 255-63-73. e-mail: [jangren@mail.ru](mailto:jangren@mail.ru)

**HYUNDAI HEAVY INDUSTRIES CO., LTD.**

Экскаваторы колесные и гусеничные  
Экскаваторы-погрузчики  
Фронтальные погрузчики  
Мини погрузчики

**GST OIL**  
ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР В УЗБЕКИСТАНЕ

Моб. (+998 98) 123-48-30.  
Тел.: (+998 71) 269-29-62,  
(+998 71) 269-29-63,  
Факс (+998 71) 269-29-60.

100050, Ўзбекистон, г. Ташкент, ул. Исискуев, 118, [gsthyundai@gmail.com](mailto:gsthyundai@gmail.com)

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН 1429/05

**ПОСТАВКИ ИЗ КОРЕИ**

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ жамоаси банкининг Бухоро минтақавий филиали бошлиғи Лазизжон Файзиевга падари бузруквор

**ҲАКИМЖОН ФАЙЗИЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Kafolat» davlat-aksiyadorlik sug'urta kompaniyasi (OAJ) жамоаси Молия ва активларни бошқариш департаменти баш менажери Исфандиёр Аҳмедовга волидаи муҳтарамаси **КАРИМА** янинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректорати, касаба уюшма кўмитаси Информатика ҳамда табиий фанлар кафедраси доценти Саҳобиддин Худойбердиевга волидаи муҳтарамаси **Кароматхон ХУДОЙБЕРДИЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 269. 140 768 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳфаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.  
Навбатчи — Д. Содиқов.  
Мусаҳҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.50 Топширилди — 21.20 1 2 3 4 5